

# ТОШКЕНТ ОКШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 177 (10.482)

2005 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ  
дир куни

Янгиликлар, воқеалар

КИСИЛ  
сафарларда

• БУГУН Мирзо Улугбек туман ҳокимлигига умумтаълим мактаблари етакчилари иштироқида "Камолот" сайловига тайёргарлик юзасидан ўқув семинари ўтказилиди.

• ЎТГАН куни Абдулла Кодирий номидаги маданият ва истироҳат богоғи Собир Раҳимов туманинда мактабларниң 2-синф ўқувчиларини "Камалак" болалар ташкилотига аъзоликка қабул килиш моросими бўлиб ўтди.

• ЎТГАН куни Бектемир туманинда "БК Интранс" хусусий корхонасида туман "Манавият ва маърифат" бўлими ташабуси билан ўтказилган тадбир "Замон ва дин" деб номланди.

• КЕЧА шахримиздаги Икуо Хираяма номидаги Халкаро маданият карвонсарайида мусавири Комилжон Бобоевнинг "Ўлчов" деб номланган кўргазмаси очилди.

• КЕЧА Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри ўзининг 76-мавсумини бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбиrlаримиз  
хабарларидан.



"Норуда" акциядорлик жамияти меҳнат аҳли ўзлари ишлаб чиқараётган сифатли курилиш материаллари билан юртимиздаги бунёдкорлик ишларига муносабиҳ чисса кўшиб келмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** иш жараёни; илғор бульдозерчи Аян Салимкулов ва ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Нуриддин Парпинев.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## 2006 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2005 йил 5 сентябрь куни Оқсанойда 2006 йил давлат бюджетининг асосий макроинтисидий кўрсаткичлари ва параметрлари лойиҳаси мухокамасига багишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда ҳукумат аъзолари, Республика марказий иқтисодий идоралари раҳбарлари ва муҳтажассислари иштирок этилди.

«Бюджет тизими тўғрисида» ги конунга мувофиқ 2006 йил мамлакат давлат бюджетининг асосий параметрларини тайёрлаш ишларининг бориши кўриб чиқилди.

Йиғилишда Иқтисодиёт ва Молия вазириларининг давлат бюджетининг даромад ва харажатлариниң яримдан кўпроғини ижтимоий соҳани ривожлантириши ва ахолини ижтимоий муҳофоза килишига йўналтириш тўғрисидаги таклифларни инобатга олган холда, келгуси йил давлат бюджети харжатларини молиялаш билан боғлиқ масалалар алоҳида кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан мелиорация ва сув хўжалигининг эксплуатация

харжатларига, шаҳар, туман

нақомиллаштириши ободлондаништиришга маблағ ажратиш бўйича ҳам махсус топширик

умумий солиқ юкини камайтирган холда солиқларни йиғиш даражасини ошириш кўзда тутилди.

Президент даромад солиги ва ягона ижтимоий тўловлар ставкаларини, шунингдек, дивидендлар ва фоизларга солиқларни камайтириш масалаларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ топшириклар берди.

Йиғилишда бюджет жамият харжатларининг яримдан кўпроғини ижтимоий соҳани ривожлантириши ва ахолини ижтимоий муҳофоза килишига йўналтириш тўғрисидаги таклифларни инобатга олган холда, келгуси йил давлат бюджети харжатларини молиялаш билан боғлиқ масалалар алоҳида кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан мелиорация ва сув хўжалигининг эксплуатация

харжатларига, шаҳар, туман

нақомиллаштириши ободлондаништиришга маблағ ажратиш бўйича ҳам махсус топширик

берилди.

Йиғилишда Марказий банк эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005

йил 5 авгуустдаги «Банклардаги депозит-хисоб вараклардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» ги қарорининг

сўзсиз бажарилишни таъминлаш, банкдан ташқари нақд пул айланасини камайтириш, ахолининг банк тизимига ишончини ошириш ҳамда бўш маблағларни тижорат банклар депозитларига жалб қилиш

зарурлигига қартилди.

Вазирлар Мажхамасига 2006

йил давлат бюджети лойиҳаси

мазкур йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар

асосида қайта кўриб чиқиб,

белгиланган муддатда Ўзбеки-

стон Республикаси Олий Маж-

лиси Конунчилни палатасига

тақдим этиш вазифаси юклати

лди.

(ЎзА)

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ ТАҲЛИЛЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилни палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишди» мавзудаги маъруzasи юртимизда демократик жамият куриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган тадрижий тараққиётнинг янги даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат ва жамият курилиши академияси томонидан «Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишди. «Кучли давлатдан - кучли жамият сарни», «Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниши, тайомийлигинам амалга оширилиши», «Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари: янгича ечим ва ёндашувлар», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамият», «Тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт омили», «Ўзбекистон ва ҳалқаро ташки-



лотлар», «Миллатларро тотувлик - баракарорлик ва тараққиёт омили», «Солик ислоҳотлари: изчиллик ва тадрижийлик»...

номларидан ҳам кўриниб турганидек, мазкур рисолаларда мамлакатимизнинг бугунги куни ва келажаги билан боғлиқ энг долзарб мавзулар ҳақида батафсил фикр юритилган.

(ЎзА)

**XXI сафоси**  
Барча маъබардан  
олнинг сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МАМЛАКАТИМIZ МУСТАКИЛЛИГИНING 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИДАН САМИМИЙ КУТЛОВЛАР КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОДА.

• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзтемирйўлўловчи» акциядорлик жамияти яна бир хайрли ишга кўл урди. 5 сентябрдан бошлаб «Шарқ» тезорар поезди «Тошкент - Бухоро» йўналиши бўйлаб қатнай бошлади.

• Давлатимиз раҳбари ташабуси билан ташкил этилган Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг илик калдирочларни мустакил ҳаётта йўлларни олишида.

• 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурига мувофиқ Янгийўн шаҳридан иккни мактаб капитал реконструкция килинг, тўртта билим масканида эса капитал ва жорий таъмилраш ишлари амалга оширилди.

• Бухоро вилояти марказидаги «МАНН» хусусий корхонаси янги маҳсулот - ранги ўнкрайдиган, меҳаник таъсислар ва қўёш нурига, намарчиллик чиддами полимер черепица ишлаб чиқарла бошлади.

**Жаҳонда**

• Пхенъян Пекинга ядро таназзули бўйича олти томонлами музокараларни давом этишига ниятида эканлигини билдири. Шимолий Корея томони музокараларни 13 сентябрда ўтказиши тақлиф этди.

• Мисрнинг Бени-Суиз шаҳридан театрда янги спектаклнинг премьераси пайтида ёнгин чиқиши натижасида ҳаётдан кўз юмган, 50дан ортиг томошибин тан жароҳатларини олган. Ёнгин актёrlарнинг шагамдан эхтиётсизлик билан фойдаланишлари оқибатида келиб чиқди.

• «Талим» тўғони Хитойнинг шаҳрий кисмидаги 80га яқин кишининг ҳаётига зомин бўлди. Жабрланган худудларнинг бир кисмидаги 50дан ортиг томошибин тан жароҳатларини олган. Ёнгин актёrlарнинг шагамдан эхтиётсизлик билан фойдаланишлари оқибатида келиб чиқди.

• Германиянинг Adidas - Salomon компанияси ўзининг бош ракобатчиларидан бирин - Reebok компаниясига карор килиди. Битимнинг киймати 3,1 миллиард еврони ташкил этди.

Маълумки, шу йил 12-13 май кунлари Андикон шаҳрида одамларнинг курбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта моддий зарар етказилишига олиб келган қатор террорчиллик ҳаракатлари содир этилди.

Бу фожиали воқеалар бўйича тергов ишлари биринчи босқицда 15 нафар ўта фаол иштирокчига нисбатан якунланди ва жинонай иш материаллари Олий судга кўриб чиқиш учун топширилди.

Дастлабки тергов давомида исботланиши зарур бўлган шароитлар, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шартларга бағтафсил, ҳар томонлами, тўлиқ ва холис баҳо берилди. 2100 дан ортиқ экспертиза тайинланди ва ўтказилди.

Тергов давомида Андикондаги террорчиллик ҳаракатлари ташкини бузгучи кучлар томонидан Ўзбекистоннинг мустакил сиёсатига, унинг миллий маҳфаатларига

карши пухта режалаштирилган ва ташкил этилган хурж бўлди, мавжуд конституциявий тузумни ўзгариш ва бу кучларнинг геосиёсий маҳфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ислом давлатини тузишга қартилгани аниқланди.

Мазкур жинонай иш юзасидан олиб борилган тергов буни тўлиқ тасдиқлади.

2004 йил август ойидан бошлаб бу бузгучи кучлар «Туркестон исломий ҳаракати», «Хизб-ут-Тахрир» ва унинг оқимларидан бири бўлган - «Акромийлар» ҳалқаро-террорчиллик ва диний-экстремистик ташкилотларни жалб қылган холда, 2005 йил май ойидан ҳокимиятни эгаллаш ва конституциявий тузумни ағдариш мақсадидан Ўзбекистонда террорчиллик ҳаракатлари содир этишини режалаштирган.

Террорчиллик ҳаракатларини амалга ошириш бўйича сценарий ва батафсил режа пухта ишлаб чиқилган. Жумладан, куролли гурухларни тузиш, уларни жанговар тайёргарликдан ўтказиш, курол-яроғ ва ўқдори билан таъминлаш, ҳужум ўштириладиган обьектларни, хусусан ҳарбий қисмлар ҳамда ҳарбийлашган тузишларни бўлинмалар, уларнинг курол-аслаҳа омборларини аниқлаш ва разведка қилиш олдиндан режалаштирилган.

Терговда исботландики, «сценарийлар» террорчиллик ҳаракатларига тайёргарлик жойи сифатида Кирғизистоннинг жанубий вилоятларини таангана, у ерда жорий йилнинг январидан априлига хорижий инструкторлар 70 нафара якин диний экстремистга кўпурувчилик-террорчиллик усулларини ўргатган.

Андиконда ҳокимиятни зудлик билан эгаллаш мақсадидан ҳар бирида 9 кишидан 22 кишигача бўлган 20 та ҳужум гурухи тузишган. Бу гурухларнинг бошликлари ҳужум ўштириладиган обьектларнинг схемаларини батафсил ўрганган, зарур курол-аслаҳа, портловчи модда ва ўқдориларни олдиндан тайёрлаб

кўйган.

12 майдан 13 майга ўтар кечаси Кирғизистон фуқароларидан тайёрланган ва куролланган 60 нафар жангари Ўзбекистон худудига бостириб кирган ва террорчиллик ҳаракатларида фаол иштирок этган.

Террорчиллик ҳаракатлари билан бир қаторда ахолининг гүёки «тинч намойиши»ни ўштириш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун террорчиллик ҳаракатларининг ташкилотчилари илохи борича кўпроқ одамларни кўчага чиқаришга, безори жинонай

чишлар катта микдорда ўқотар курол аслашаларни кўлга киритган.

Ўзларига ишониб топширилган обьектларни кўриклиш борасида хизмат вазифаларини бажаришга жинояткорона масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган ҳамда босқинчиларнинг хужумига етарлича қаршилик кўрсатмаган 25 нафар ички ишлар органлари мансабдор шахслари ва ҳарбий хизматчига нисбатан жинонай иш қўзгатилиб, тергов килинмоқда.

Террорчиллик ҳаракатлари оқибатида жами 187 иши ҳалок бўлган, улардан 60 нафари тинч ахоли бўлиб, уларнинг иккитаси вояга етмаган бола ва биттаси аёлдир. Террорчилар томонидан 31 нафар хуқуқни муҳофаза килиш органлари ходими ва ҳарбий хизматчи ўлдирилган.

287 иши турли дарадараги тан жароҳати олган, уларнинг 91 нафари тинч фуқаро, 49 нафари хуқуқни муҳофаза килиш органи ходими ва 59 нафари ҳарбий хизматчи. Террорчиларга қарши кўрилган тадбирлар давомида 94 террорчи ўйқулинига 76 нафари яланланган.

Террорчиллик ҳаракатлари давомида жиноятчилар 70 кишини гаровга олиб, улардан 15 нафарини вахшиёна ўлдирилган.

Террорчилар томонидан эгалланган 334 дона ўқотар куролдан 255 таси, шу жумладан 180 та автомат, 59 та пистолет, 11 та митик, 4 та пулёмёт, 1 та гранатомёт қайтирилди.

Бундан ташкири, террорчилар Кирғизистондан олиб ўтган 16 дона ўқотар курол ҳам олинган. Уларнинг орасида қақамлари ўчирилган 7 та Калашников автомати ва 2 та снайпер митиги, АҚШда ишлаб чиқарилган AR-15 ярим автоматик митик бор.

Камоқдан ноконуний чиқарип юборилган 527 шахснинг 496 нафари қайтирилди, террорчиллик ҳаракатларида иштирок этган 6 нафари ўлдирилди, қолган 25 ишига нисбатан тезкор-кидирив тадбирлари олиб борилмоқда.

Хозирги вақтда террорчиллик ҳаракатларида бевосита иштирок этган қолган 106 нафари айланувчига нисбатан тергов якунланиш арафасида.

Олий Мажлис комиссияси аъзолари ҳисобот якуни бўйича Баш прокуратура тезкор-тергов гурухига кўплаб саволлар берди. Чунончи, содир этилган жиноятларда бузунчи кучларнинг иштироки, Андикон шаҳрида театр ва кинотеатрга ўт кўйилишини ўштирирган, бошка жинонай ҳаракатларни содир этган шахслар ҳамда террорчиллик ҳаракатлари ташки кучлар томонидан молиялаштирилганни исботловчи далиллар ва бу маблағларнинг сарфланиши, ўз хизмат вазифаларига жинояткорона масъулиятсизлик билан ёндашган мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар ҳақидаги ва бошка саволларга бағтафсил жавоб қайтирилди.

**Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси матбуот ҳизмати**

## Иқтисодиёт

### ЎЗБЕКИСТОН ТАМФАСИ БИЛАН

Юртимизни жаҳонга та-нитишда, иқтисодиётимиз ривожини таъминлашда замонавий технологиялар асосида фаолият юритиб, рақобатбардош, сифатли ва четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқа-ратган, бозор ва харидор талабини кондираётган тадбиркорларнинг ўзига хос ўрни бор.

Сергели туманида жорий йилда Ўзбекистон, Россия, Англия давлатлари ҳамкорлигда иш бошлаган «Интер-Сок» қўшма корхонаси ҳам ўз истиқболини илк қадамларидан белгилаб олмокда. 9 турдаги — шафтоти, помидор, ўрик, олма, ананас, кора смородина, олча, апельсин ва бошка меваларни қайта ишлап асосида табий шарбат тадбирлашни йўлга кўйган корхона цехлари хорижий линиялар билан жиҳозланган бўлиб, уни швециялар мутахассислар россиялар ҳамкорлар билан биргаликда ўрнаштиди. Хозирда эса 100 нафарга яқин махаллий йигитлизилар ушбу линияларни махирлик билан бошқариб, ички бозорга сифатли маҳсулот отказиб бершишмоқда.

Табиий шарбат — жонга ро-хат, дея бежизга таъкидла-маймиз. Шу боис ҳам хозирда ўзимизнинг мевалардан тайёрланган шарбатлар «Фруктовий сад» маркаси асосида ишлаб чиқариладиган бўлса, яқин келгисида «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли ушбу маҳсулотнинг турлари бир неча барабарга кўпайиб, ўзбек маркаси асосида чиқарилиши кўзда тутильган. Шу боис ҳам хозирда тадбиркорларнинг изланишилари давом этмоқда. Шунингдек, жаҳон андозалари даражасида-ги маҳсулотлар Афғонистон, Тоҷикистон, Козғистон ва бошка давлатларга экспорт қилинади.

### ПАХТА ИПИДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Харидор эътибори, албатта маҳсулот сифати ва кўрнишига, яъни қандай қадокланиши ёки ўралишига болглик. Демак сифатли ва чиройли қадокланган маҳсулотнинг бозори чак-коқ бўлади.

Ана шуни назарда тутган «FAV-SA» текстиль корхонаси тадбиркорлари тайёрлётган эрకаклар пайгоҳи қисқа вақт давомида ўз харидорига эга бўлди. Корхона цехлари Жанубий Корея ва Россиядан келтирилган тўкув ва тиқув да-стоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, 20 нафар одам иш билан таъминланган.

— Махаллий хом ашэ — пахта ипидан ишлаб чиқариладиган пайлоқларимиз турларини кўпайтиришга ва ички бозорни таъминлаш учун ишлаб чиқариш хажмини оширишга ҳарорат килаяпмиз, — дейди корхона таъсисчиси Файзулла Толиков. — Бугунги кунда 6 турдаги эрқаклар пайгоҳи тайёрлаб, буортмачилар талабини кондираётмиз. Насиб этса йил охиригача маҳсулотларимизни хорижга экспорти килиш тараддуидидамиз. Бунинг учун барча имкониятларимиз етарли.

Шарофат **БАХРОМОВА**

Анжуманлар**ИСТИКЛОЛ,  
ОГОХЛИК ВА  
АЁЛ**

Чилонзор туман ҳокимлигига ўтказилган йигилиш ана шу мавзуга бағишланди. Унда маҳаллаларда янги жорий этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда туманда ҳар соҳада намуна кўрсатиб ишилаётган аёллар катнашдилар.

Юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтиносид, ижтимоий, маънавий-маданий ўзгаришларни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиш кўйин. Миллий гурури ва миллий ифтихори юқори, Ватанга меҳр-мухаббатли, янгича фикрловчи авлодни жамиятга етказиз беришида оналарнинг алоҳида ўрни бор. Шунингдек, мамлакатимиз мустақилларни мустаҳкамлаш, давлатимиз хавфзизларни таъминлаш масаласи ҳам қайсиdir даражада аёл маънавияти ҳамда фаолигига боғлик. Бу йўналишдаги вазифаларни бажаришда Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-куватлаш борасидаги кўшима чоратадирилар тўғрисида-ги Фармони дастурламал вазифасини ўтамокда.

Тадбирда сўзга чиқсан туман ҳокими X.Махҳамов ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини алоҳида тъкидлаган ҳолда, жамиятда аёллар фаолигини оширишадиги ўрни хусусида ўз фикрларни билдириди. Сўзга чиқсан аёллар эса адолатли давлат ва эркин жамият куриш, гўзл ва обод юртимиз шон-шуҳратни янада юксалтириш, тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш ўзларининг савъ-хараратларига ҳам боғлиқ эканлигини эътироф этдилар.

Тадбир сўнгидаги туман маданият бўйича кошидаги ҳаваскорлик дастаси қатнашчилари ижро этган куй-кўшиклар янгради.

**Г.ЙЎЛДОШЕВА**

Айни пайтада, мазкур Фармонларнинг учта асосий жиҳатини алоҳида тъкидлашни коҳи, деб биламиш.

Биринчидан, Фармонларнинг инсон-парварлик аҳамияти. Инсонпарварлик ҳар бир давра қишиларнинг диккат марказида бўлиб келган. Зеро, инсон Аллоҳ Таоло томонидан жамиятнинг гултоғиси килиб яратилган ва боща мавжудотларга нисбатан мушаррафроқид. Бу жаҳда буюк бобокалонимиз Алишер Навоий шундай ёзғандар:

**Сўздурки, нишон беруб ўйнка жондин, Сўздурки, беруб жонга хабар жонондин. Инсоннин сўз айлади жудо хайдонвонд; Билким, гуҳари шарифрок йўқ ондин.**

Қўринидики, инсон ана шундай мўтабар ва муқаддас хилкат. Шундай экан, инсон инсонни эъзозлаши, асраравлаши, оқибатда жамиятни асрashi ва авайлаши керак бўлади. Ўзбекистон — табарук замин. Бу заминдан Форбий, Беруний, ибн Сино, Аль-Фароний, имом Бухорий, Баҳоуддин Накшбандий, Навоий, Мирзо Бобур сингари минглаб алломалар этишиб чиқкан. Ва уларнинг барчаси ўз асрариди инсонни, атроф-оламни асрashi хусусида эл-улусни қайта-қайта огох этишиб чиқкан. Ва масалада ўзлари шахсан ибрат бўлиб, зиёратоҳлар, сўлим боғлар, кўплаб илм масканларини бунёд этгандар. Шу нуткай назардан, Республика мазнавий-маърифий аҳамияти. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ғояға қарши foя, фикрни қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб беришмиз керак. Чун-

**«TextileEXPO UZBEKISTAN — 2005»  
КЎРГАЗМАСИ**

Пойтахтдаги «Ўзэксномарказда» «Енгил саноат учун текстил, технология ва ускуналар» деб номланган иккинчи «TextileExpo Uzbekistan — 2005» ҳалқаро кўргазмаси очилди.



Мазкур кўргазма иккинчи бор намоиш этилиб, у «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ташки иқтиносидай алкалар вазирлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамда Буюк Британиянинг ITE Group Plc ва ITE Uzbekistan ҳалқаро кўргазма компаниялари ҳамкорлигидага ташкил этилди.

Мутахассислар ушбу кўргазманинг нуғузи ва кўлами ўтган йилдагисига нисбатан анча ошаганинги эътироф этишимокда. Масалан, биринчи кўргазмада 14 та давлатдан 70тадан ортиқ компания иштирок этган бўлса, бу галисида Япония, Хиндистон, Эрон, АҚШ, Россия, Корея, Хитой, Испания, Туркия, Швеция, Швейцария, Бельгия, Австрия каби дунёнинг 19 мамлакатларнинг юздан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда. Кўргазмадан жаҳон бозорида ўз ўрни ва мавқеига ега бўлган маҳаллий ҳамда чет эл компанияларининг тўкув, тиккув махсулотлари ҳамда замонавий ускуналари жой олган.

Мамлакатимиз иқтиносидётидаги енгил саноат устувор йўналишларидан бирни хисобланади.

Сўнгги йилларда ушбу тармоқда жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар нафакат ички бозорда, балки ташқи бозорда ўз ҳаридорларни топмоқда. Масалан, 1994 йилда текстил экспорти 9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шу йилнинг охирига қадар бу кўрсаткини 350 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Агар Республика мизда 1991 йилга қадар фикат 4та йирик тўкимачилик маҳмуси мавжуд бўлган бўлса, 1995 йилдан бошлаб тармоқка 800 миллион доллардан ортиқ хорижий сармоялар жаҳб килиниб, Германия, Япония, Швейцария, Туркия, АҚШ каби давлатлар билан ҳамкорликда 36ta кўшима корхона ташкил этилди.

— 90-йилларнинг бошларидаги Ўзбекистон асосан пахтанин экспорт қилиш билан дунёга ташланган бўлса, сўнгги йилларда янги корхоналарни ташкил килиш эвазига, нафакат хомаше, балки тайёр текстил маҳсулотларини ўз экспорт қилимокда, — деди «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг бўлими бошлиги Шерзодбек Муҳаммадиев. — Хорижий сармояларни жаҳб этиши оркали соҳани янада ривожлантириш, кўшима корхоналар сонини ошириш бургунинг асосий вазифаси хисобланади. Айнан шунинг учун ўз кўргазманинг Ўзбекистон учун мухим аҳамиятига ега.

— Биз биламиши, Европа мамлакатларни текстил бозорида ўзининг мустаҳкамам ўрнига ега, — деди ITE Uzbekistan компаниясининг бўши директори Нигора Ҳасанова. — Олдинги кўргазманида Италия, Франция, Испания каби Европа давлатларининг текстил компаниялари воситасида оркали иштирок этиб, мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳияти ҳақида етарили маъмуоттаги эга бўлган эди. Бу галиги кўргазмада уларнинг ўзлари иштирок этиши истагигини билдиришди.

Мутахассисларнинг фикрича, кўргазманинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада кенироқ жаҳб этиши зарур. Сабаби, мазкур кўргазма уларга хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорлини ўйлга қўшиш, улар билан кўплаб шартнома ва келишувлар имзолаш имконини беради.

**Иннатоб ЭГАМҚУЛОВА,**  
«Туркестон-пресс»

**СУРЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

Ки, жаҳолат, бу — жаҳл махсулидир. Қонни қон билан ювиб бўлмайди деганларидек, жаҳла қарши жаҳл билан ҳам курашиб бўлмайди. Шу маънода Республика мизда ўтим жазосининг бекор қилиниш, шунингдек, маърифатпарварликнинг юқсак намунаси бўлди.

Илм-маърифатли, кечиримли бўлиш ўзбек ҳалқига хос фазилатлардандир. Ислом динининг энг катта устунаридан бирни — иймос масаласи ҳам илм-маърифатли бўлишни таъбати. Илм-маърифат ва адабийт кириб борган жойда жаҳолат бўлиши мумкин эмас. Жиноят, асосан, имислизик, одоблизидан келиб чиқади. Буни ўзбек санъа асрарининг илм намунаси бўлмиш Махмудўжба Бехбүйдининг «Падаркуш» фожиасидаги Тошкенттагу тимсолида, шунингдек, Абдуллатиф тимсолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Агар хаётага чукуррор, назар солсак, жуда оддий, жўн ҳосидаларнинг замирда ҳам илим ётади. Илмисиз одам њеч бир ҳодисани англаб етолмайди.

Майдай зарралардан тортиб, токи улкан қашфиётларгача илмнинг маҳсули, деб қараш керак. Демак, им шунчалик мухим, устувор аҳамият касб ётади. Юқоридагилардан хуласа қилиб айтидиган бўлსак, Президентимиз томонидан чиқарилган Фармонлар нафакат юридиқ, балки жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий аҳамиятига ўзига ега.

**Хайринисо МИРЗАНОВА,**  
ЎзМТДП Марказий  
кенгаш раиси ўринбосари  
Баҳодир СУНОВ,  
ЎзМТДП Марказий кенгаши  
девони баш мутахассиси

Маданият**ДЎСТАЛК  
ФЕСТИВАЛИ**

Ўзбекистон Мустақиллиги байрами муносабати билан жойларда дўстлик фестивалари бўлиб ўтмоқда. Ўзбек ва корейс ҳалқлари дўстлигига бағишлаб ташкил этилган маданий тадбир ўз ҳам кўпчиликда кизиқиши ўфтоди.

Корейс фольклор жамоалари уюшмаси, «Ноим» корейс маданий тадбирини ва анъана-ри жамияти томонидан уюштирилган бу фестиваль доирасида концерт дастурлари намойиш килиди.

“Саранг”, “Нан Нара”, “Доради” каби корейс бадиий ҳаваскорлики жамоаларининг чиқашлари яхши кутиб олинди. “Гимган” “Мё-Хансан” корейс ансамблари солистлари ижро этган тароналар гонг ишлаб деб топилиб, муносиб тақдирланди.

**ФЛЕЙТА  
САДОЛАРИ  
ЯНГРАГАНДА**

Ўзбекистон Давлат консерваториясида сабок олиб, мустақил ижод йўлида фаолият кўрсатадиган истеъоддодли санъаткорлар ижросида уюштирилган таъсирлар ҳам мухлисларга манзур бўлмоқда.

Дмитрий Варелас ҳам бу ойли мусиқа мактабидаги ўз билими ва иктидорини ошириб, катта ижод йўлига тушиб олди.

Бугунги кунда Хельсинкидаги Сибелес мусиқа академиясида тасхис кўрайтган бу моҳир созандя яндага Тошкентта ташриф буриб, ўз концерт дастурини намойиш килиди. Флейтчолу асбобида ижро этган мусиқалари тингловчиларда завқ-шавқ ўйтоди.

Истеъоддодли пианиночи Ирёни Гулзарова билан ҳамкорликда таъдим этган асарлар ҳам яхши таассурот колдириди. Шуманнинг “Учроманси” Профоффенвинг “Соната”си ижросида ҳам улар ўз маҳоратларини намоён этдилар.

**БОЙ ТАЖРИБА  
ОММАЛАШТИРИДИ**

Мирзо Улугбек тумани болалар ижодиётни маркази ўзистеъоддодлар камолоти йўлида фаолият кўрсатаб келмоқда. Ҳозир бу ерда ўндан ортиқ бадиий ҳаваскорлик тўғараклари ишлаб турди. Амалий санъатга оид тўғарак машгулотларига ҳам кўпчилик катнашмокда.

Ўз касбининг моҳир устаси Гулирашо Абдураззокова раҳбарлик қилаётган бу даргоҳда болалар ижодиётни бўйича ортирилган бой тажрибалар ҳам эътиборни ўзига тортади. Бу изланишлар асосидаги методик кўлланмалар яратиди.

“Болалар ижодиётни маркази” деб номланган лойҳа ҳам марказ педагоглари сабъ-харарати билан юзага келди. Ўзбекистон ҳалқ таълими вазирилиги бу истиқболли лойҳихани маъкуллади.

**Акбар АЛИЕВ**



## Көргазмалар

## НАФИС ВА ГҮЗАЛ САНЬАТ АСАРЛАРИ

Шу күнларда Ўзбекистон амалий санъат музейида уста заргар Фасхиддин Дадамуҳамедов ва кандакор уста Абдурашид Мадалиевнинг шахсий кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.

Амалий санъат — энг оммавий, халқчил, ҳаёттй иход ифодасидир. Амалий санъат асарлари ва буюмлари инсоннинг нафосатини эстетик жиҳатдан бойитишга хизмат килади.

Заргар уста Ф. Дадамуҳамедовнинг ижоди мумтоз меросимизга жиспашлишиб кетган Ўзбекистон заргарлик санъати тараққиётининг йўналишларидан бирини ўзида акс эттиради. Уста асрлар мобайнида сайдал топган заргарлик буюмларининг анъанавий шакларидан фойдаланган холда уларни тимимиз кўта мушоҳадасидан ўтказади, ўзлаштиради ва бойитиб боради. Унинг ишлариде беиздорликка интилиш аниқ сезилади, анъанавий композициялар мурakkabлашиб боради, янги унсурлар пайдо бўлади.

Кўргазмага кўйилган асарлардан: "Гумбаз тўплами" (зирақ, зебигардон), "Мовий томчи" тўплами (зирақ, зебигардон, тўғноғич), тумор, билакузук ва бошқа зеб-зийнатлар устанинг юксак маҳоратни акс эттиради.

Уста заргар асосан кумушдан, мелхиордан буюмлар ясад, уларни безашда дур,

феруза, ёкот тошларини ишлатади. Мисгарлик буюмлари кадимдан маҳаллий ахоли орасида машҳур бўлган. Улар рўзгор асабби бўлишдан ташқари мисгарнинг санъати туфайли шафа ва токчаларга кўйилиб, турар жойларни безаш вазифасини хам ўтаган.

2003 йилда "Таша бўбус — 2003" кўрик-танловининг туман ва шаҳар боскичларининг голиби бўлган кандакор уста Абдурашид Мадалиев ижоди хам диккатга сазовордир. Кўргазмага кўйилган буюмлардан фалладон, кашкул, лаган, чойнак, офтоба, килич, туфлон, самовар ва бошқалар гўзал ва нағислиги билан инсоннинг калбини мафтун этди ва ҳайратда қолдиради. Уста кандакор А. Мадалиевнинг мисгарлик асарлари ўзининг бадий кўйимати жиҳатидан юксак ўрин эгалаган. Асарларда ўсимлик тасвири туширилган мисгарлик услуги њекол кўриниб турибди. Анъанавий тарзда салган мисгарлик буюмлари юксак санъати асарлари сифатида кўпликининг таҳсинаға сазовор бўлмоқда.

Кўргазмага кўйилган асарлар санъатшунос мутахассислар ва томошабинларда шубҳасиз катта кизиқиши ўйғотмоқда. Кўргазма 10 сентябргача давом этади.

**Акмал РАҲМАТХОН  
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан  
лавҳалар  
Муаллиф олган суратлар.**



## БЕРЛИНДА САЙЁХЛИК ТАҚДИМОТИ

Берлинда Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчионаси билан Германиянинг «Интегрон» туризм ва сиёсат бўйича институти ҳамкорлигига ташкил этилган мамлакатимиз сайёхлик салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур тақдимот Германиянинг қатор етакчи оммавий ахборот воситалари ва йирик сайёхлик компанияларини Ўзбекистон сайёхлик саноатининг буғунги ахволи ва ривожланши истикблори билан кенг таништириш масадада ташкил этилди.

Тақдимотда сўзга чиқсан «Ўзбектуризм» МК раиси ўрнебосари З.Ҳакимов йиғилганларни Ўзбекистонда сайёхлик тармоғи ва маҳаллий инфратизимларини ривожлантириш борасида амала оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича ўқиф этди.

«Вентус Райзен» сайёхлик агентлиги директори Р.Хербертс Ўзбекистондаги самарали ҳамкорлик тақдимоти билан ўртоқлашиб, республикамиз ҳукуматининг хорижий сайёхларни жалб этиши борасидаги сайд-харакатларига юқори баҳо берди.

«Штудиосус» йирик сайёхлик компаниясининг мінтақавий бошқарув-

чиси Э.Додли Ўзбекистон сайёхлик инфратизимаси ва хизмат кўрсатиш тармогининг тобора токомиллашетганинг этлилк сайдйулар оқимишининг кўпайтишга хизмат қилаётганини эътироф эти. Э.Доддининг қайд этишича, «Штудиосус» компанияси во-ситатчилигига Ўзбекистонга сайдёт кўпайчилар сони сўнгги йилларда уч барабар кўпайтган ва уларнинг аксарияти Ўзбекистондаги сайдёт масканлари ва машийи хизмат даражасидан мамнун бўлишган. Компания мутахассислари хисоб-китобига кўра, янги мавсумда Ўзбекистонга сафар килядиган немис сайёхлари сони янни 15-20 фойизга ортиши кутилмоқда.

Тақдимот якунидаги мамлакатимиз сайёхлик масканлари, кўхна Самарқанд, Бuxоро ва Хива шаҳарларининг меморий обидалари ҳакидаги видофиблий меҳмонларга намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА**

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ

Москвада МДХ ҳамда Болтиқбўйи республикалари рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг А.Пушкин номидаги бешинчи Халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловнинг эллик нафар ғолибидан етти нафари ўзбекистонлик ўқитувчилар экан куварнилар. Улар — Тошкент туманинадаги 14-мактаб ўқитувчisi Лола Тилолова, Каршидаги компютер технологиялари касб-хунар коллежи ўқитувчisi Лола Чориева, Тошкент шаҳридаги 50-мактаб ўқитувчisi Светлана Жбанова, Самарқандаги 50-мактаб ўқитувчisi Ирина Кобробец, Урганчдаги 6-мактаб ўқитувчisi Раиса Йўлдошева, ҳамда 10-мактаб ўқитувчisi Светлана Тен, Бухородаги 5-мактаб ўқитувчisi Ноила Ширин.

